



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2014 йил 24 январь, № 17 (5947)

Жума

ИНВЕСТИЦИЯЛАР — ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Президентимизнинг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий қисми — 70 фоиздан ортиги, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектиларини қуришга йўналтирилди, энг янги замонавий ускуналар харид қилишга сарфланган сармоялар улуши қарийб 40 фоизга етди.

ТАЖРИБА, ИМКONIЯТ, САМАРА

Республикаимиз иқтисодий даъватига инвестиция қилиш ҳақми эса янги ички маҳсулотга нисбатан 23 фоизни ташкил этди.

Дарҳақиқат, юртимизда саноат салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни кенг жорий этиш мақсадли дастурлари доирасида хорижий ва маҳаллий инвестицияларнинг жалб қилиниши туфайли ижобий натижалар қўлга киритилмоқда. Навоий вилоятида айни шу мақсадда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш орқали тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳақми тобора ортиб бораётгани бунинг тасдиғидир.

Маълумки, 2008 йил 2 декабрда давлатимиз раҳбарининг "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона таш-



кил этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, ўтган давр мобайнида бепоён Маликқўл худудида 19 та корхона барпо этилиб, фойдаланишга топширилганидан сўнг мингдан зиёд фуқароларимиз иш билан таъ-

минланди. Уларнинг аксарияти касб-хунар коллежлари битирувчилари эканлиги эътирофга лойиқдир. Айниқса, фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан юксак технологиялар асосида модем ва телевизорлар учун приставкалар,

электр энергиясини электрон ҳисоблагичлар, юқори қучлинишга чидамли кабеллар, иссиқлик ва сув иситиш қозонлари, мобил ва стационар телефон апаратлари, дори воситалари ҳамда бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга

қўйилганини алоҳида қайд этиш лозим. Аниқроқ айтганда, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён унинг худудида умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд инвестиция лойиҳаси рўйбга чиқарилди.

Пировардида биргина 2013 йилда қиймати 100 миллиард сўмликдан ушбу лойиҳа туфайли бу ерда йилга 300 тоннагача елим халталар тайёрлаш имконияти яратилди. — Саноат жадал ривожланиши билан маҳсулотларимизга талаб тобора ортиб борапти, — дейди тadbirkor Хўжабой Кўмеков сая-ҳаракати билан рўйбга чиқарилган ушбу лойиҳа туфайли бу ерда йилга 300 тоннагача елим халталар тайёрлаш имконияти яратилди.

(Давоми 2-бетда).

Маънавиятимиз кўзгуси

Театр — ҳар қандай даврда ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотмай келаётган маънавий ҳаёт кўзгуси. Шунинг учун бўлса керак, ўтмиш файласуфлари театрни "Катта ёшдаги кишилар мактаби" деб аташган. Мамлакатимизда истиқлол йилларида маънавиятни юксалтиришга қаратилган сая-ҳаракатлар туфайли театр санъатида ҳам улкан ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади.

МУНОСАБАТ

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбек Миллий академик драма театрининг биноси тубдан қайта таъмирланиб, муҳташам кўринишга эга бўлди. Шунингдек, пойтахтимиздаги ва вилоятлардаги театрларимизнинг моддий-техник базаси мустақамланиши давлатимиз этиборидаги масалалардан бирига айланди. Бундай ғамхўрлик самараси ўлароқ, саҳналарда замонамиз қаҳрамонлари сиймосини яратишга интилиш кучайди. Ҳар йили Халқаро театр куни муносабати билан ташкил этиладиган тadbirkorлар мустақиллик туфайли ижодий жамоаларнинг салоҳияти юксалиб бораётганини англатади. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори эса санъат, маънавият соҳасига қаратилаётган юксак ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасида хиз-

мат кўрсатган артист, Ўзбек Миллий академик драма театри директори Маҳмуд Кўмоиллов муҳиримизга қўйидагиларни гапириб берди. — Президентимизнинг мазкур қарори биз, санъаткорлар зиммасига улкан масъулият юклайди, — дейди у. — Чунки ушбу ҳужжатда театр санъатининг ўрни ва роли, хусусан, Миллий театримизнинг нуфузи ҳақида сўз борар экан, мазкур даргоҳнинг нафақат мамлакатимиз, балки Ўрта Осиё минтақасида профессионал театр санъати асос солиш ва уни ривожлантириш, халқимизнинг бой маданияти мероси ва аъёналарини асраб-авайлаш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтириш, ёш истеъодларни тарбиялаш борасидаги аҳамияти алоҳида қайд этилган.

(Давоми 2-бетда).

■ КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Маҳаллани меҳр-оқибат кўргони дейишганча бор. Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги Мирзақалъа маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Муҳаббат Турниёзованинг фаолияти мисолида бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Ўзбекистон Миллий университетда таҳсил олди. Ҳозир Тошкентдаги нуфузли ташкилотлардан бирида меҳнат қилаяпти. Насибхон ота-она изидан борди, педагогликни танла-

Меҳр-оқибат кўргони

Шу ҳудуддаги 26-умумтаълим мактабида 31 йил ишлаб, ўғил-қизларга математика фанидан сабоқ берган ушбу фидойи муаллима ҳозир маҳалла фаолларидан бири. Тундан кейин унинг уйидан болажонлар қадами узилмайди. Опа маҳалланинг эҳтиёжманд оилалари фарзандлари учун математикадан қўшимча машғулотларни йўлга қўйди. Фуқаролар йигини ҳузурдаги вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия аъзоси сифатида маҳалла ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратилган чора-tadbirkorларни амалга оширишда фаол қатнашиб келмоқда.

Маҳалла фаолларининг таъкидлашичи, шу кичик бир ташаббус боис

қишлоқ болаларининг бўш вақтлари мазмунли ўтади, уй вазифаларини ёнма-ён туриб бажариш жараёнида улар ўртасида дўстлик ришталари илдиз отади. — Болаларсиз тура олмайман, мана шуларнинг барини ўз фарзандимдай кўраман, — дейди у турнақатор тизилиб келаётган болажонларга меҳр билан оқиб. — Баъзи оналар "Фарзандимни қайси касб эгаси қилсам экан?" деб маслаҳат сўраб келади. Мен шунда уларга "Болангиз қайси касбни танламайсиз, ўз ишининг устаси бўлсин", деб айтаман.

Дарҳақиқат, киши ўз танлаган соҳасининг устаси бўлганига нима эҳсин?! Муҳаббат опа уч фарзандни вояга етказди. Тўнғич ўғил Азизжон

ди. У қишлоқ мактабида бошланғич синф ўқитувчиси. Шерзооджон эса Тошкент архитектура-қурилиш институти талабаси.

— Бу хонадон маҳалладошларига ҳар томонлама ўрнак, — дейди маҳалла фуқаролар йигини раиси Рисолат Ражабова. — Муҳаббат опа ҳамма ишга — уй юмушларига ҳам, жамоат ишларига ҳам улгуради.

Чиндан ҳам, ҳрви чиннидай топ-тоза. Уй дид билан қурилган. Хоналар кенг ва шинам. Шаҳардагидан сира қолишмайди. Авжи қиш палласи бўлишига қарамай, дастурхон ноз-неъматга тўла. Бу — томорқадан келган барака.

(Давоми 2-бетда).

2013 йилда мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳақми



Бир рақам шарҳи

8,8

фоиз ўсди.

2011 — 2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида қўллаб янги турдаги, рақобатбардор ва қўшимча қийматга эга саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, бу пировардида соҳада ана шундай юқори ўсиш суръатига эришиш имконини берди.

Тadbirkorлик:

Экспортга — кенг имконият

Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани, тadbirkorлар фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳақми тобора ошиб борапти.

■ ДАВРА СУХБАТИ

Уларнинг сифат кўрсаткичлари юқорилиги эса маҳсулотлар рақобатбардорлигини таъминлаб, экспорт ҳажмининг ўсишига хизмат қилаяпти. Жаҳон бозорига конъюнктуранинг беқарорлигига қарамайдан, 2013 йилда республикаимизда экс-

хабарлар

■ Данғара туманидаги "Musavartex" қўшма корхонаси жамоаси хорижлик ҳамкорлари сафини кенгайтириш сая-ҳаракатида.

Хорижда ҳам харидорғир

Бунда, энг аввало, юқори сифат ҳал қилувчи мезон саналади. Шу боис корхонада техник ва технологик янгиланишлар олиб борилган, кўзланган натижага эришилиши баробарида, ишлаб чиқариш ҳақми 30 фоиз ортди.

"Musavartex" жамоаси ўтган йилда Европанинг бир қатор давлатларига 828 минг АҚШ долларлик калава ип экспорт қилган бўлса, жорий йилда мазкур кўрсаткични бир миллион долларга етказиш кўзда тутилган.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

■ Нукус шаҳридаги "Қорақалпоқ полимер" масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган полипропилен қопларга буюртмачи корхоналар ёрлиги ёки мижоз хоҳишига кўра, турли нақш ва белгилар ҳам туширилиши мумкин.

Корхоналар буюртмаси асосида

Тadbirkor Хўжабой Кўмеков сая-ҳаракати билан рўйбга чиқарилган ушбу лойиҳа туфайли бу ерда йилга 300 тоннагача елим халталар тайёрлаш имконияти яратилди.

биркор. — Бу эса фаолиятимизни янада кенгайтиришни тақозо этади. Ҳозир 575 минг АҚШ долларлик сармоа эвазига ишга туширилган технологик линиямизни маҳаллий ёшлардан 32 нафарни моҳирлик билан бошқармоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

■ "Ўзпахтасаноатмаш", "Сурхондарётелеком", "Қашқадарётелеком" корхоналари "Темур Малик" хусусий корхонасининг доимий мижозлари ҳисобланади.

Кўп қиррали фаолият

Шўрчи туманидаги мазкур тadbirkorлик жамоаси ушбу корхоналарга пишиқ чарм иплари, кичик ўлчамдаги тасма каби бир неча турдаги зарур ашёларни етказиб беради. Аслида "Темур Малик" — кўп тармоқли корхона. У ҳудуддаги спорт мактаблари ҳамда ишқубозларини футбол, волейбол, гандбол тўллари, бокс халталари каби бир қатор анжомлар билан таъминлаб келади. Эътиборлики, бу ерда тери чикиндиси ҳам қайта ишланиб, экспортбоп маҳсулотга айлантириляпти. Яқинда пойёзал тикиш цехи ҳам фойдаланишга топширилган, корхонада тайёрланаётган маҳсулот тури ўттиздан ошди.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

■ Хоразмда йўл қурилиши ишлари бошқа ҳудудлардагидан бирмунча фарқ қилади. Сув сатҳи ер юзига жуда яқин бўлгани боис воҳада йўллар банд кўтарилган тупроқ устига қурилади.

Йўл равон, манзил яқин

Бундан ташқари, бунёдкорлик учун зарур хом ашё, асосан, бошқа вилоятлардан ташиб келтирилади. Урганч туманида ташкил этилган "Хоразм йўл индустрия" корхонаси жамоаси йўл созувчиларини ана шу заҳматли меҳнатини ҳисобга олиб, асфальт-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 87 киши меҳнат қилаётган

мазкур корхона жамоаси қисқа муддатда 15 миллиард сўмликдан зиёд сифатли хом ашё тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб берди. Шунингдек, "Хоразм йўл индустрия" автопарки ҳам қиймати 10 миллиард сўмликдан ортқ 38 та замонавий юк ташихи автомобил билан бойиди.

Оббек РАХИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

(Давоми 2-бетда).

● Реклама ва эълонлар ●

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро ва Белу-Оризонти шаҳарларидаги халқаро аэропортлар давлат тасарруфидан чиқарилади.

Мулк эгалари ўзгаради

Улардан бирининг акциялари бошқарув пакетининг 51 фоизи 8,24 миллиард АҚШ доллари эвазига маҳаллий «Odebrecht» қурилиш компанияси ва Сингапурнинг Чанги аэропорти ихтиёрига ўтади. Иккинчи аэропорт қимматли қоғозларининг асосий қисмига эгалик қилиш учун Бразилиянинг «CCR» компанияси, Германиянинг Мюнхен ва Швейцариянинг Цюрих аэропортлари томонидан 780 миллион АҚШ доллари миқдоридида маблағ ажратилган. Қолган улушлар Бразилия аэропортлари бошқаруш агентлиги ихтиёрида қолади.

Айбловни инкор


Тез тайёрландиган таомлар савдоси билан шуғулланувчи «McDonald's» компанияси солиқларни тўлаш чоғида даромадлари яширганликда гумон қилинапти.



микродадаги солиқларни тўламаган. Ўз навбатида, «McDonald's» маъмурияти ушбу айбловни инкор этмоқда.

Энг иссиқ йиллар

2013 йилда сайёрамизда қайд этилган ўртача йиллик ҳарорат 1880 йилдан бери кузатилган энг иссиқ даврлар рўйхатида киритилди.



АҚШ океан ва атмосфера тадқиқотлари миллий бошқармаси маълумотларига қараганда, поёнига етган йилда ҳарорат XX асрдаги ўртача кўрсаткич (Цельсий бўйича 13,9 даража)дан 0,62 даражагача юқори бўлган. Худди шунга ўхшаш ҳолат 2003 йилда ҳам аниқланган. Шу боис 2003 ва 2013 йиллар энг иссиқ келган даврлар рейтингда тўртинчи ўринга қўйилди. Бу борада мутлақ рекорд 2010 йилга тегишли бўлиб, ўшанда ҳаво меъридаги 0,66 даражагача иссиб кетганди. Метеорологларнинг таъкидлашича, 1970 йилдан бошлаб ҳаво ҳароратининг кўтарилиши суърати ҳар 10 йилда ўртача 0,16 даражани ташкил этмоқда.

Рекордчи телетомошабинлар

АҚШлик Дэн Жордан, Спенсер Ларсон ва Крис Логгин 87 соат давомида телевизор қўриб, Гиннесснинг рекордлар китобига кирди.



Мазкур натижа Лас-Вегасда ташкил этилган электроника кўргазмаси доирасида қайд этилган. Қандай мувофиқ, иштирокчиларга ҳар соатда беш дақиқа танлаш имконияти берилган. Улар бу муддатни тўлаб, ухлаб олиш имкониятига ҳам эга бўлишган. Бундан ташқари, телевизор экрани қаршисида овқатланишга ҳам рўхсат берилган. Олдинги рекорд АҚШлик Карин Шривс ва Жеремиа Франкога тегишли бўлиб, улар 2012 йилда 86 соат давомида телевизор қаршисида ўтиришганди.

Кема ғойиб бўлди

Англо қирғоқларида Грецияга тегишли юк кемаси ғойиб бўлган. Ўша вақтда унда 27 нафар киши бор эди. Шунингдек, кемага нефть ҳам юкланганди.



Сув транспорти воситаси экипажи ўтган шанба кунидан буён алоқага чиқмаганлиги айтилмоқда. Шу боис экспертлар транспорт воситаси қароқчилар ҳужумига учраганлигини тахмин қилишяпти. Чунки Ғарбий Африка қирғоқларида кемаларни гаровга олиш ҳолати тез-тез учраб туради. Қўлга олинган транспорт воситалари эса катта маблағ эвазига қайтариб берилди. Кемага эгалик қилувчи компания ҳозирча ушбу маълумотни тасдиқламаган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бозорининг якунлари (2014 йил 1 январь ҳолатига кўра)

2008 йил 22 октябрда қўлغا кирган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни бўйича айни пайтда юртимизда «Узагросуғурта» ДАСК (ОАЖ), «Кафолат» ДАСК (ОАЖ), «Ўзбекинвест» ЭИМСК, «Alfa Invest» ЁАЖ СТ, «Kapital Sug'urta» ОАЖ, «Asia Inshurans» МЧЖ СК, «Alskom» ОАЖ СК, «Universal Sug'urta» ЁАЖ, МЧЖ «Ishonch» БСК компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Республикада суғурта бозорида 2013 йил мобайнида суғурта компаниялари томонидан жами мазкур мажбурий суғурта тури бўйича 1 768 432 дона суғурта полиси расмийлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 116,1 фоизни ташкил этди. Ушбу даврда қабул қилинган суғурта мажбуриятлари ҳажми эса жами 11 032,2 млрд. сўмга (128,9%) тенгдир. 2013 йил мобайнида суғурта компаниялари томонидан умумий суммаси 7 405,0 млн. сўмлик (122,9%) 4 808 дона (113,0%) суғурта даъвоси қониқтирилган бўлиб, умумий суммаси 107,0 млн. сўмлик (56,7%) 51 (56,0%) суғурта даъвоси қониқтирилмасдан қолдирилди.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича асосий кўрсаткичлар суғурта компаниялари кесимида

Т/р	Суғурта компаниялари	Тузилган суғурта шартномалари сони (дона)			Келиб тушган суғурта мукофоти (млн. сўм)			Қондирилган суғурта даъволари (млн. сўм)		
		Жами	Улуши	Ўтган йилдагига нисбатан	Жами	Улуши	Ўтган йилдагига нисбатан	Жами	Улуши	Ўтган йилдагига нисбатан
1.	«Узагросуғурта» ДАСК (ОАЖ)	718 350	40,6%	114,4%	20 371,8	35,2%	125,6%	1 620,7	21,9%	85,3%
2.	«Кафолат» ДАСК (ОАЖ)	310 248	17,5%	122,9%	10 769,7	18,6%	132,4%	1 473,0	19,9%	164,1%
3.	«Ўзбекинвест» ЭИМСК	83 999	4,7%	108,1%	3 112,8	5,4%	114,9%	326,1	4,4%	156,4%
	Давлат улуши мавжуд компаниялар бўйича, ЖАМИ:	1 112 597	62,9%	116,1%	34 254,3	59,2%	126,6%	3 419,9	46,2%	113,8%
4.	ОАЖ «Kapital Sug'urta»	158 758	9,0%	127,0%	6 140,8	10,6%	145,6%	1 330,8	18,0%	175,3%
5.	ОАЖ «Alskom» СК	148 585	8,4%	142,3%	4 840,8	8,4%	161,4%	535,9	7,2%	205,3%
6.	ЁАЖ «Alfa Invest» СТ	118 033	6,7%	64,0%	4 277,7	7,4%	72,9%	1 110,0	15,0%	102,6%
7.	МЧЖ «Asia Inshurans» СК	111 640	6,3%	133,2%	4 224,9	7,3%	142,8%	559,9	7,6%	76,1%
8.	ЁАЖ «Universal Sug'urta»	75 962	4,3%	188,3%	2 617,3	4,5%	198,1%	181,3	2,4%	207,8%
9.	МЧЖ «Ishonch» БСК	42 857	2,4%	161,0%	1 548,1	2,7%	166,0%	267,1	3,6%	277,4%
	Бошқа компаниялар бўйича, ЖАМИ:	655 835	37,1%	116,1%	23 649,6	40,8%	129,2%	3 985,1	53,8%	131,9%
	ЖАМИ	1 768 432		116,1%	57 903,9		127,6%	7 405,0		122,9%

Худудлар кесимида йўнгилган суғурта мукофотлари бўйича Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти етакчилик қилиб келмоқда. Улар мутаносиб равишда суғурта бозорининг 26,6% ва 12,1% улушини эгаллаган. Энг кам улушлар Сирдарё ва Жиззах вилоятларида бўлиб, мос равишда 1,4% ва 1,8%ни ташкил қилади. Қолган худудлар улушлари қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича асосий кўрсаткичлар республикада худудлар кесимида

Т/р	Худудлар	Тузилган суғурта шартномалари сони (дона)			Келиб тушган суғурта мукофоти (млн. сўм)			Қондирилган суғурта даъволари (млн. сўм)		
		Жами	Улуши	Ўтган йилдагига нисбатан	Жами	Улуши	Ўтган йилдагига нисбатан	Жами	Улуши	Ўтган йилдагига нисбатан
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	76 409	4,3%	144,4%	1 736,0	3,0%	146,9%	64,8	0,9%	107,6%
2.	Андижон вилояти	131 707	7,4%	121,0%	4 171,4	7,2%	131,8%	210,2	2,8%	101,8%
3.	Бухоро вилояти	134 669	7,6%	108,5%	3 561,6	6,2%	121,8%	84,6	1,1%	82,7%
4.	Жиззах вилояти	48 121	2,7%	119,0%	1 059,1	1,8%	130,0%	48,1	0,6%	191,0%
5.	Қашқадар вилояти	128 536	7,3%	117,9%	3 221,0	5,6%	133,2%	54,9	0,7%	60,0%
6.	Навоий вилояти	56 502	3,2%	119,4%	1 555,6	2,7%	128,2%	24,0	0,3%	90,5%
7.	Наманган вилояти	106 944	6,0%	120,8%	3 366,2	5,8%	133,3%	212,1	2,9%	89,9%
8.	Самарқанд вилояти	180 933	10,2%	112,7%	5 730,9	9,9%	125,5%	88,5	1,2%	73,8%
9.	Сурхондар вилояти	83 138	4,7%	124,5%	2 118,0	3,7%	132,2%	64,9	0,9%	125,4%
10.	Сирдарё вилояти	34 455	1,9%	113,5%	825,5	1,4%	123,8%	145,4	2,0%	104,7%
11.	Тошкент вилояти	193 159	10,9%	126,6%	6 990,0	12,1%	143,5%	920,5	12,4%	114,3%
12.	Фарғона вилояти	161 233	9,1%	113,4%	5 602,2	9,7%	129,1%	102,6	1,4%	113,3%
13.	Хоразм вилояти	104 504	5,9%	121,3%	2 539,8	4,4%	140,4%	72,6	1,0%	120,9%
14.	Тошкент шаҳри	328 122	18,6%	104,9%	15 426,6	26,6%	116,3%	5 311,8	71,7%	132,4%
	ЖАМИ	1 768 432		116,1%	57 903,9		127,6%	7 405,0		122,9%

2013 йил мобайнида суғурта компаниялари томонидан суғурта мукофоти бўйича 47 161 суғурталовчиға 748,6 млн. сўм миқдоридида сийловлар берилди. Ушбу даврда Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан суғурта компаниялари жамғармага тақдим этган ҳужжатлар асосида 49 455 та суғурта шартномаси бўйича 683,17 млн. сўмлик сийловлар компенсация қилинди. Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида жабранланганларга етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги 259 та илтимоснома бўйича 456,59 млн. сўм миқдоридида компенсация тўловлари амалга оширилди.

Маълумотлар суғурта компаниялари ҳисоботлари асосида тайёрланди. **Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича Тўловларни кафолатлаш жамғармаси.**

МЧЖ «KRANTAS» шартнома асосида ишлаб чиқаради ва сотади:

БЕНЗОВОЗ
«SUZU», «KAMAZ» шассисиди

АВТОЦИСТЕРНАЛАР-ВОДОВОЗ
«SUZU», «KAMAZ» шассисиди

ВАХТА УЧУН АВТОБУС
«KAMAZ» шассисиди (6х6) 20-24 одамга

СУВ СЕПАДИГАН МАШИНА
«SUZU», «KAMAZ» шассисиди

(8-371) 262-63-45, т/ф 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 808-88-17. www.ttemz-kran.uz

ООО «CRANES & SPECIAL TRUCKS» ишлаб чиқаради ва сотади:

АВТОКРАНЛАР юк қўтариши 16 т., 25 т., 32 т., 50 т.

Буюртма асосида

САМОСВАЛЛАР
«HOWO SINCTRUCK» шассисиди, юк қўтариши 20 т., 25 т.

Буюртма асосида

КРАНМАНИПУЛЯТОРЛАР
«SUZU», «KAMAZ» шассисиди, юк қўтариши 2,6 т., 5,3 т.

Буюртма асосида

Телефонлар: (8-371) 262-63-45, тел./факс: 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 808-88-17. www.ttemz-kran.uz

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатиغا!

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

Аукцион савдоларига қуйидаги мулклар арзонлаштирилган нарҳда тақоран қўйилмоқда:

- Бухоро шаҳар Суд департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқий судининг 2010 йил 2 августдаги 38/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро тумани, Тўйтепа қишлоғида жойлашган, чорвани бўрдоқчиликка боқиси фермасидаги қоровулхона, айвон бинолари ва темир дарвоза.
Бошланғич баҳоси — 57 532 199 сўм.
- Бухоро шаҳар Суд департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқий судининг 2010 йил 2 августдаги 38/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ғиждувон тумани, «Сармижон» ҚФЙ, Ғаждумак қишлоғида жойлашган, қурилиш майдони 220,0 кв.м.дан иборат «ЭВРИКА Н» савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 43 919 081 сўм.
- Бухоро шаҳар Суд департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқий судининг 2010 йил 2 августдаги 38/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Гулчорбоғ кўчасида жойлашган тураржой биноси.
Бошланғич баҳоси — 675 942 871 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 10 февраль кuni соат 11.00 да ўтказилади. Қўчмас мулклар 2014 йил 10 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг тақорий аукцион савдоси 2014 йил 26 февраль кuni соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Муस्ताқиллик кўчаси, 10-уй, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожландириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти худудий бошқармаси биносидида бўлиб ўтади.

Мулкдор бўлиш истагидаги харидорлар савдо ташкилотчиси — «Shad savdo zamin» масъулияти чекланган жамиятига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

- юқориди кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза;
- савдо ташкилотчисининг ОАТБ «Хамкорбанк» Бухоро филиалидаги МФО: 00966, СТИР: 302097424, 2020800004935078002 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;
- талабдорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхаси.

Мазкур мулклар қуйидаги харидорлар шарт асосида сотилади: харидор савдо ўтказилган кунда суд бошқарувчиси билан олди-сотди шартномасини имзолаб, шартномада белгиланган муддат ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши шарт.

Мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Муस्ताқиллик кўчаси, 10-уй.

Телефонлар: (8-365) 221-51-62, (+998994) 248-48-65.

«O'zbekiston» телерадиоканали жамоаси Овоз режиссёрлари ва мусиқа танловчилар гуруҳи олий тоифали овоз режиссёри **Хайрулла КАРИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлариға чуқур таъзия ижор этади.
«Узагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси (ОАЖ) жамоаси компания Андижон вилояти дирекцияси директори Нусрат Икромовга волидан мухтабамаси **Мамлакат ИКРОМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ижор этади.

ИЗЛАНИШ
Кичик бизнес субъектларининг аксарияти истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда моллиа муассасалари кўмагига таянмоқда. Наманган шаҳридаги «Golden hello trade» масъулияти чекланган жамияти ҳам «Алокабанк» кредитидан фойдаланди.

Ижобий кўрсаткич
— Бизнес-режанинг умумий қиймати 1 миллиард 40 миллион сўмлик бўлиб, банкнинг ёрдамисиз уни худлашимиз мушкул эди, — дейди қорхона раҳбари Иззатилла Жаббаров. — Бугун режанимиз тўла ижросини топди. Замонавий бино қурдик, унга хориддан келтирилган 23 та тўқув дастохи ва зарур ускуналарни ўрнатдик. Ишчиларимиз сафига яна 15 киши қўшилди. Ҳозир олти турдаги экспорт-боп соқик тўқяпимиз. Бу ердаги технология янгиланиш тадбирлари туфайли қуватлар қарийб икки баравар ортди. Тайёрланган маҳсулотнинг 90 фоизи ташқи бозорга чиқарилаётир. Ўтган йили мазкур кўрсаткич 360 минг АҚШ долларига тенг бўлди. Жорий йил учун имзоланган экспорт шартномалари ҳажми эса 3 миллион АҚШ долларидан ортди.

Қўдратилла НАЖМАДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Газета ва газетхон:

ЮЗМА-ЮЗ



— "On-line" тизимидаги пластик карталарни барча савдо дўконларида ҳам қабул қилишмапти. Саволимизга эса сотувчилар: "Ишламапти" ёки "Бизда "онлайн"ни қабул қилиш имконияти йўқ", дея жавоб беришди. Бундай ноқулайликлар қачон бартараф этилади?

Т. ҲОЖИЕВ, Ҳамза тумани

Сизда «On-line» карточкалари..?

— "On-line" режимида ишлайдиган пластик карточкалар билан тўловлар Ягона умум-республика процессинг маркази, банклар ва мижозлар ўртасидаги алоқа каналлари орқали бажарилади. Бунинг учун эса чакана савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари дастлаб "DUET" ("Off-line") тўлов тизимидаги ҳисоб-китоб терминаллари ҳамда алоқа ускуналарини янги дастурий таъминотга боғлашлари зарур.

Бирок янги дастур таъминотида эга бўлсада, айрим савдо дўконлари ва хизмат кўрсатиш шохбчалари раҳбарлари бу ускуналарни ўз вақтида ўрнатишни пайсалга солишмапти.

Шунингдек, Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши керак бўлган чакана савдо ва хизмат кўрсатиш объектидаги банк пластик карточкаларидан тўловларни қабул қилиш талабларига қатъий риоя этилиши шарт.

Агар савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан турли баҳоналар билан пластик карточкаларни тўловга қабул қилмаслик ҳолатлари учраса, пластик карточка эгалари ўзларининг қонуний ҳуқуқларини талаб қилиб, республикамизнинг ҳар бир туман ва шаҳар солиқ идораларида ташкил этилган "Ишонч телефонлари"га мурожаат қилишлари мумкин.

М. МҲМИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Пул муомаласи департаменти директори.

— Мамлакатимизда олий маълумот олиш бўйича ёш чегараланганми?

С. ЙҮЛДОШЕВА, Нўхус шаҳри

Ёшга доир чегара йўқ

— 1997 йил 29 августда 464-1-сон билан қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида белгиланганидек, жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, этники, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий макъеи, тураржойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар қафолаштилади.

Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сон қарори билан тасдиқланган "Олий таълим муассасаларининг бакалавриатида талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомда ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқаросига олий маълумот олиш учун ёш бўйича чегара ўрнатилмаган.

М. ИНОЯТОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари.



— Сўнгги вақтларда кўёш, шамол ёрдамида электр энергияси ҳосил қиладиган, экологияга безарар муқобил технологиялар ҳақида кўп гапириляпти. Бизнинг ҳудудда ҳам шамол кўп эсади. Шу боис ана шундай жиҳозга эҳтиёжimiz бор. Мамлакатимизда уларни ишлаб чиқариш ва сотиш йўлга қўйилганми? Қаерга мурожаат қилсак бўлади?

Н. ЮСУПОВ, Қўқон шаҳри

Ўзимизнинг муқобил технологиялар

— Юртимизда кўёш ёки шамол ёрдамида электр энергияси ҳосил қиладиган, аτροφ-муҳитга безарар муқобил технологияларни ишлаб чиқариш ва сотиш йўлга қўйилган. Бундай технологияларни амалда жорий этиш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қошидаги "Эко-энергия" илмий-тадқиқий маркази (8-371-239-11-37) ёки "Инеллект-Диалог" масъулияти чекланган жамияти (+99898-127-60-80)га мурожаат қилишингиз мумкин.

К. СОДИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари.

Икки йилда бир маротаба

— Касаба уюшмаси томонидан берилган йўлланма билан санитарий борган киши ўша йилнинг ўзида, орадан олти-етти ой вақт ўтган, фарзандининг номига ажратилган санитарий йўлланмасидан яна фойдаланиши мумкинми?

Д. СОЛИЕВА, Қўшробот тумани

— Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги 9-24-сонли қарори билан тасдиқланган Йўриқномага кўра, ходим ижтимоий суғурта ёки касаба уюшма бюджети маблағлари ҳисобидан йўлланма олишдан қатъи назар, унга икки йилда бир маротаба йўлланма берилиши кўрсатиб ўтилган. Шунга мувофиқ, ходим бир йил давомида ўзи ишлайдиган корхона касабаси бўйича йўлланма олиши мумкин эмас.

Н. ИШАНХАНОВА, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Ижтимоий суғурта бўлими мудир.



— Ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб, ҳовлимизда иссиқхона ташкил этмоқчи эдик. Айтинг-чи, мазкур фаолият учун ҳам солиқ солинадими?

И. БЕКМУРАТОВ, Андижон тумани

Ҳовлидаги иссиқхона

— Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 179-моддаси 12-бандига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг уй-ҳўжалигида, шу жумладан, деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар), балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, саноатда қайта ишлашдан ташқари, табиий ва қайта ишланган чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олинган даромадларига (бундан манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари мустасно) солиқ солинмайди.

Мазкур даромадлар солиқ тўловчи тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органи, боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик шир-

катларининг бошқарувлари томонидан берилган, реализация қилинган маҳсулот солиқ тўловчи томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжатни тақдим этган тақдирда, солиқ солишдан озод қилинади.

О. РУСТАМОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари.



Декларация тўлдириш тартиби

— Хорижга саёҳатга кетаётган вақтимида тилла қўл соатим ва узугимни декларацияда кўрсатмаганим. Очиғи, уларни доим тақиб юрганим учун бу ҳатто хаёлимга ҳам келимаганди. Сафарим якунланиб, ортга қайтганимда эса ана шу қимматбаҳо буюмларимни муСОдара қилишди. Ўзимники эканлигини исботлаб бера олмадим. Божхона ходимларининг ушбу ҳатти-ҳаракати қонунийми?

Т. АБУДУЛЛАЕВА, Шофиркон тумани

— Амалдаги тартибларга кўра, жисмоний шахслар ўзлари билан оғирлиги 30 гр.дан ошманган 5 донагача қимматбаҳо металл ва тошлардан тайёрланган заргарлик буюмларини божхона декларациясида қайд этган ҳолда бемаълум олиб қиришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган нақд хорижий валюта, йўл чеклари, валю-

та, товар-моддий бойликларни ва бошқа предметларни декларацияламашлик ёки нотўғри декларациялаш, оғзаки сўров вақтида божхона ходимига маълумотларни бермаслик ёхуд нотўғри маълумотлар бериш божхона қоидаларининг бузилиши ҳисобланади. Бунга йўл қўйган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қончилигида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Фуқаро Абдуллаева Ўзбекистондан чиқиб кетиш вақтида бўлгани каби юртимизга қайтиб келиш чоғида ҳам қимматбаҳо тақинчоқларни декларацияда кўрсатмаган бўлиши мумкин. Оқибатда тилла соат ва узук ўрнатилган тартибда муСОдара қилинган.

Б. БЕРДИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бўлим бошлиғи.

Маблағ ва харажат

— Уй-жой мулкдорлари ширкатига тўланган аъзолик бадалли эвазига улар қандай хизматларни кўрсатишга мажбур?

С. АЗИЗОВ, Наманган шаҳри

— Уй-жой мулкдорлари ширкатларида фойдаланиш харажатлари бўйича тўловлар миқдори ҳар бир мулкдор учун уй-жой мулкдорлари ширкатининг умумий йилги солиқ қарори билан тасдиқланган, уйнинг умумий майдонида унга тегишли бўлган квартиранинг майдонига мувофиқ қабул қилинган йиллик даромадлар ва харажатлар сметаси асосида белгиланади.

Фойдаланиш харажатларининг маблағлари уй-жой мулкдорларининг сақлаш, хизмат кўрсатувчи ходим-


ларни сақлаш, муқаммал таъмирлаш ишлари, муҳандислик коммуникациялари ва умумий фойдаланиш жойларини жорий таъмирлаш, машиналар, асбоб-ускуналар, инвентарлар ҳамда бошқа мол-мулкни тўлиқ тиклаш учун амортизация ажратмалари, шунингдек, бошқарув ходимларини сақлаш бўйича харажатларни қоплашга йўналтирилади.

О. АҲМЕДОВ, «Ўзқоммунизмат» агентлиги бош директорининг ўринбосари.

Электрон чипта муаммони ҳал этади

— Миллий терма жамоамизнинг уй-ўйинлари учун чиқариладиган чипталар "олибсотарлар" қўлига ўтиб кетадиган ҳолатлар учраб туради. Натijasида нархлар сунъий равишда ошириб юборилади. Ўзбекистон Футбол федерацияси мана шундай ноқонуний фаолиятга қарши қандай чора-тадбирлар кўрмоқда?

Ф. ЙҮЛДОШЕВ, Ғузор тумани



— Миллий терма жамоамизнинг навбатдаги ўйинларига электрон чипталар тайёрланиши кўзда тутилмоқда. Шунда ўз-ўзидан "олибсотарлар"га иш қолмайди.

С. РАҲМАТУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Футбол федерацияси биринчи вице-президенти.

Яна саволларингиз борми, мухтарам газетхон? Хатларингизни кутамиз!

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 169. 145 613 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.00 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўгаев. Навбатчи — Д. Улугмуродов. Мусахҳах — Ш. Машраббоев.